

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИСЛАМКУЛОВ АЛИМНАЗАР ХУДЖАМУРАТОВИЧ

**БЮДЖЕТЛАРАРО МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА
СОЛИҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Исламкулов Алимназар Худжамуратович

Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини

такомиллаштириш3

Исламкулов Алимназар Худжамуратович

Совершенствование системы налогов в обеспечении межбюджетной

сбалансированности.....33

Islamkulov Alimnazar Khudjamuratovich

Improving the taxes system to ensure inter-budget equivalency.....61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work66

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИСЛАМКУЛОВ АЛИМНАЗАР ХУДЖАМУРАТОВИЧ

**БЮДЖЕТЛАРАРО МУТАНОСИБЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА
СОЛИҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2016.2.1688 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Хайдаров Низамиддин Хамраевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Пўлатов Дилшод Ҳақбердиевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Олимжонов Одил Олимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Ашурова Насиба Ботировна
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети


Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc 20/13.05.2020.1.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «5 январь» куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz


Диссертация автореферати 2020 йил «24» октябрь куни тарқатилди.

(2020 йил «24» октябрь даги 1 - рақамли реестр баённомаси).




Ш.А.Тошматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


М.Б.Ҳамидулин
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


Д.Н.Раҳимова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида турли даражадаги бюджетларнинг асосий даромад манбаи бўлган солиқларни улушли тартибда тақсимлаган ҳолда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Глобал даромадлар статистикаси маълумотлар базасига киритилган давлатларда сўнгги ўн йилликда солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши нисбатида сезиларли ўзгаришлар юз берди: «ушбу нисбат Осиёда 11,8 фоиздан 30,7 фоизгача, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ)га аъзо давлатларда 16,2 фоиздан 45,9 фоизгача ўсган»¹. Мазкур ўсиш ўз навбатида маҳаллий бюджетлар солиқли даромадлари ҳажмини ошириб, «Данияда республика бюджетида 73 фоиз, маҳаллий бюджетларда 27 фоиз, Францияда 86/13, Японияда 77/23, Латвияда 80/20 фоизни ташкил қилган»². Солиқларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш Осиё-Тинч океани минтақасида кенг жорий қилинган. Жумладан, «Хитойда ҚҚС, фойда, даромад, қимматли қоғозлар савдосига солиқлар, Вьетнамда ҚҚС, даромад ва фойда солиқлари ҳамда атроф муҳит муҳофазаси учун солиқ, маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларга акциз солиғи улушли тарзда турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланади. Мазкур солиқларнинг «барқарор» улуши уч йилдан беш йилгача муддатга белгиланади»³.

Глобаллашув шароитида давлат молиясини бошқариш соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда бюджет тизими бюджетлари даромад манбаларини илмий асосланган ҳолда белгилаш, солиқлар воситасида бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш, турли даражадаги бюджетлар ўртасида солиқларни тақсимлаш, бюджет трансфертларини ажратишда ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Солиқлар тизимини такомиллаштириш орқали бюджетлараро мутаносибликка эришиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақил бюджет-солиқ сиёсатини юритишини ташкил этиш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги даражасини ошириш, давлат бюджети даромадлари ва қўшимча манбаларини шакллантиришга оид самарали фискал сиёсат юритиш, бюджетлараро муносабатларда солиқларни улушли тартибда тақсимлаш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

«... Давлат бюджети барча даражада мутаносиб бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир»⁴. Мазкур вазифани амалга оширишда, барча даражадаги бюджет бўғинлари барқарор даромад базасини таъминлаш мақсадида, солиқлар тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни асослаш, солиқларни бюджет тизими бюджетлари

¹ Domestic revenue mobilisation: A new database on tax levels and structures in 80 countries. <https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/a87feae8n.pdf?expires=1602821657&id=id&accname=guest&checksum=2B37EF9E6D9F>

² <http://www.oecd.org/tax/federalism/fiscal-decentralisation-database.htm>

³ Fiscal Decentralization and Inclusive Growth in Asia. <https://doi.org/10.1787/25cf7545-en>

⁴ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б.8.

ўртасида улушли тартибда тақсимлаш орқали бюджетлараро мутаносибликка эришиш масалалари ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги (2019 й.), «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2018 й.) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сон «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июндаги ПҚ-3042-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵.

Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар халқаро ташкилотлар, жаҳондаги етакчи университет ва марказлари томонидан амалга оширилмоқда, жумладан, World Bank, Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD), The National Bureau of Economic Research (АҚШ),

⁵ Диссертация ишида қуйидаги халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-тадқиқотлар ва иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларидан фойдаланилган: World Bank Decentralization and Intergovernmental relations. <https://www.worldbank.org/en/topic/governance/brief/decentralization-and-intergovernmental-relations-global-solutions-groups>; OECD Economic Policy Papers. https://www.oecd-ilibrary.org/economics/oecd-economic-policy-papers_2226583; NBER Papers on Public Economics Program <https://admin.nber.org/Budget+federalism>; Tax Administration Priorities in Emerging and Frontier Markets. <https://www.iticnet.org/resources>; Tax and Governance. https://www.ictd.ac/publication-filter/?_sft_theme=tax-and-governance; Local government finance. <https://www.ifs.org.uk/research/100>; Decentralization and local governance. <https://www.ids.ac.uk/clusters-and-teams/governance/>; Fiscal Decentralization and Local Governance. <https://icepp.gsu.edu/what-we-do/area-of-expertise/fiscal-decentralization-and-local-governance/>; Asset Price Bubbles and the Financial System. <https://www.carf.e.u-tokyo.ac.jp/en/research/category/financial-system-en/page/2/>; Mid- to long-term tax and fiscal projections. https://www.kipf.re.kr/eng/Center_cfp.do; Taxes. <https://www.piie.com/research/finance/taxes>; Intergovernmental Fiscal Relations. <https://www.nipfp.org.in/our-work/research/intergovernmental-fiscal-relations/>; Fiscal Decentralization. <http://www.nalas.eu/knowledge-center/Task-Forces/Fiscal-Decentralization>; Региональной экономики и межбюджетных отношений. <http://www.fa.ru/org/science/creimo/Pages/Home.aspx>

Georgia State University (AQSH), University of California (AQSH), Institute for Fiscal Studies (Buyuk Britaniya), The Center for advanced research in Finance (Yaponiya), The Korean Institute of Public Finance (Koreya), The National Institute of Public Finance and Policy (Xindiston), Финансовый университет при правительстве Российской Федерации (Россия), National University of Singapore (Сингапур).

Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: бюджетни номарказлаштириш харажатларни мақсадли ва манзилли фойдаланишига хизмат қилиши орқали қуйи турувчи бюджетларнинг юқори турувчи бюджетга қарамлигининг пасайиши илмий асосланган (Georgia State University, AQSH); бюджет даромадларини номарказлаштириш ҳудудда солиқлар йиғилувчанлигини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатлари номутаносиблигига барҳам бериши асосланган (OECD); бюджет федерализми марказий ҳукумат бюджетини қисқартириш омили эканлиги илмий асосланган (University of California, AQSH); солиқ тўловчининг тўлаётган солигининг ҳудуд бюджети ихтиёрида қолдирилиши шаффоф тизимининг мавжудлиги фуқароларнинг, айниқса, ўзини-ўзи банд қилувчиларнинг даромадларини тўлиқ декларация қилишини, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари солиқ қонунчилигига қатъий риоя этишини таъминлаш ва назорат қилишини рағбатлантириши исботланган (Swedish Institute for European Policy Studies, Швеция); Хиндистонда “бой” ва “камбағал” штатларда инфраструктурани ривожлантириш мақсадида турли даражадаги бюджетлар ўртасида маблағларни тақсимлаш зарурлиги асосланган (The Korean Institute of Public Finance, Koreya); Хитойда солиқ тушумларини бюджетлар ўртасида улушли тартибда тақсимлашда, истеъмол солиғи ва ҚҚС тушумларининг 30 фоиздан ошмаган миқдорда чегаралаш орқали саноати ривожланган ҳудудлар маҳаллий бюджети даромадларидаги йўқотишларнинг олдини олишга эришилган (National University of Singapore, Сингапур).

Халқаро амалиёт кўрсатишича, ҳудудларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш жуда мураккаб вазифа бўлиб, ханузгача мазкур масаланинг илмий жиҳатдан мақбул ечими топилмаган. Замонавий шароитда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш шароитида солиқларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида улушли тақсимлаш, ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини ошириш, ҳудудларда йиғилган солиқ тушумларининг орттириб бажарилган қисмидан оптимал фойдаланиш орқали маҳаллий бюджетларнинг кўшимча даромад манбаини шакллантиришга эришиш, бюджет тизими бюджетлари солиқли даромадлари барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат молиясини бошқаришга оид назария асосчилари: Т.Гоббс, Дж.Локк, А.Смит, А.Вагнер⁶ ва уларнинг издошлари сифатида Р.Масгрейвни, бюджет федерализмига оид дастлабки ғояни илгари сурган олим Р.Оутсни келтириш мумкин. Шунингдек, давлат ва маҳаллий молияни ривожлантиришга хориж иқтисодчи олимлари: Хайк, Бреннан ва Бьюканан, Й.Шумпетерлар⁷ салмоқли ҳисса қўшган.

Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимидан фойдаланишнинг концептуал асослари ва амалий масалалари: Я.Андреев, О.Бежаев, Л.Дробозина, С.Лушин, Г.Поляк, В.Родионова, М.Романовский, В.Слепов каби МДХ иқтисодчи олимларининг илмий асарларида ўрганилган⁸.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан: Ё.Абдуллаев, М.Алимардонов, Н.Ашурова, А.Ваҳобов, Э.Гадоев, Н.Кузиева, Х.Жамолов, А.Жўраев, Т.Маликов, А.Маманазаров, О.Олимжонов, Д.Пулатов, Ш.Тошматов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, Ж.Қўчқоров, Х.Қобулов, Х.Қурбоновларнинг илмий ишларида бюджет тизими ривожланишининг устувор йўналишлари бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган⁹.

⁶ Гоббс Т. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского // Гоббс Т. Сочинения: в 2 т. – Т. 2. – М.: Мысль, 1991. – С. 141, 172, 182, 269; Локк Дж. Два трактата о правлении // Локк Дж. Сочинения: в 3 т. – Т. 3. – М.: Мысль, 1988. – С. 344-346 и др.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М., 2009.; Wagner A. Finanzwissenschaft und Staatssozialismus. – Frankfurt am Main, [1948]

⁷ Musgrave R. (1959) Theory of public finance: a study in public economy; Oates, W. E. (2006). On the theory and practice of fiscal decentralization; Von Hayek, F. A. (1937). Economics and knowledge. *Economica*, 4(13), 33-54; Buchanan, J. M., & Wagner, R. E. (1970). An efficiency basis for federal fiscal equalization. In *The analysis of public output* (pp. 139-162). NBER; Brueckner, J.K. (2004). Fiscal decentralization with distortionary taxation: Tiebout vs. tax competition. *International Tax and Public Finance*, 11(2), 133-153; Schumpeter J. & Swedberg R. (1918) the crisis of the tax state (pp. 99-140).

⁸ Андреев Я. Межбюджетные отношения в регионе: опыт, проблемы, решения (на материалах Ярославской области). – Москва: «Новый Логос», 2003. – С.19; Бежаев О. Межбюджетные отношения: теория и практика реформирования. – Москва: «Экзамен», 2001. – 128 с.; Дробозина Л. Финансы. – Москва: «ЮНИТИ», 2003. – 527 с.; Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. – Москва: «Экономист», 2006. – 317 с.; Поляк Г. Б. Бюджетная система Российской Федерации. – Москва: «ЮНИТИ», 2001. – 540 с.; Родионова В.М. Финансы. – Москва: «Финансы и статистика», 1995. – 478 с.; Романовский М.В., Врублевский О.В. Бюджетная система Российской Федерации. – Москва: «Юрайт», 1999. – 621 с.; Слепов В.А., Чалова А.Ю. Федеральный бюджет как источник роста российской экономики: финансовые резервы и возможности // «Финансы и кредит». – 2017. – Т. 23. – №. 8 (728).

⁹ Абдуллаев Ё.А. и др. Государственные финансы Республики Узбекистан. – Ташкент: «Меҳнат», 2001. – 85 с.; Алимардонов М.И., Тухсанов Қ.Н. Солиқлар назарияси. – Тошкент: «Адабиёт», 2005. – 209 б.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизми такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2018. – 76 б.; Ваҳобов А.В., Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений. – Ташкент: «Молия», 2002. – 239 с.; Гадоев Э.Ф. Солиққа тортиш тартиб-таомилларини соддалаштириш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омили // «ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ» журнали, 2015, 1-сон. – Б.30-34; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизми такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2008. – 293 б. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Тошкент: «Фан», 2004. – 242 б.; Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Бюджет даромадлари ва харажатлари. – Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. – 245 б.; Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджет ва солиқ. Монография. – Тошкент: «Marifat-madadkor», 2001. – 120 б.; Олимжонов О.О. Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар // «Ҳаёт ва иқтисод». – Тошкент: 1992. 2-сон. – 11 б.; Пулатов Д.Х. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2017. – 65 б.; Тошматов Ш.А. Ўзбекистон Республикасида молия тизимининг конституциявий асослари // Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ривожланиши: миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: «Akademiya», 2018. – Б.60-

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси, ЁА2-ФҚ-0-86871. «Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат бюджети даромадларини ўрта муддатли прогнозлаш» (2014-2015), ЁА2-013. «Турли даражадаги бюджет даромадлари мутаносиблигини таъминлаш йўналишлари» (2016-2017) давлат амалий тадқиқотлар лойиҳалари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашга хизмат қилувчи хулосаларни шакллантириш;

маҳаллий бюджетлар даромадларида бириктирилган даромадларнинг улуши ва ўзгариш тенденцияларини тадқиқ қилиш ҳамда улар барқарорлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларга баҳо бериш;

бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимининг методологик асосларини тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштиришга хизмат қилувчи илмий хулосаларни шакллантириш;

бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда бюджетни номарказлаштириш, бюджет федерализми моделларидан фойдаланиш орқали маҳаллий бюджетлар даромадлар барқарорлигига эришиш имкониятларини баҳолаш;

бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимидан фойдаланиш борасидаги илғор хориж тажрибасидан Ўзбекистон бюджет амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

маҳаллий бюджетлар мустақиллигини оширишда солиқларнинг бюджетлараро тақсимотини оптималлаштиришнинг фискал аҳамияти таъсирини кучайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

64; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. – 126 б.; Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. – Тошкент: «Академия», 2005. – 128 б.; Кучкаров Д. и др. Местные бюджеты через призмы проблем // «Экономическое обозрение». – Ташкент: 2004. 6-сон. – С.4; Қобулов Х.А. Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2006. – 23 б.; Қурбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2010. – 24 б.

маҳаллий бюджетлар даромадларини ўрта муддатли прогноз қилиш ва қўшимча даромад манбаларини аниқлашда солиқ потенциалидан фойдаланишнинг афзалликларини илмий асослаш;

бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш механизми танланган.

Тадқиқотнинг предметини бюджетлараро мутаносибликни солиқлар тизими орқали таъминлашда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, таққослаш ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг турли даражадаги бюджетлар ўртасида улушли тартибда бюджет билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб, табақалаштирилган ҳолда тақсимлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини оширишни солиқлар тизими орқали рағбатлантириш мақсадида юридик шахсларнинг (республика аҳамиятидаги йирик саноат корхоналаридан ташқари) фойда солиғини қуйи бюджетларга бириктириб бериш таклиф қилинган;

қўшилган қиймат солиғи тушумларини республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида мақсадли тақсимлаш амалиётини бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш даражасидан келиб чиқиб, товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадини инобатга олиш босқичлари асосланган;

бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда маҳаллий бюджетларнинг режадан ортиқча солиқли даромадларни ҳудудларда янги иш ўринлари яратишда қўллашнинг самарали механизми асосланган;

акциз солиғининг бюджетга тўланадиган қисмини аниқлашда сотиб олинган товар (хом ашё)га тегишли акциз солиғини ҳисобга олиш тартибини бекор қилиш орқали маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини ошириш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

солиқларни бюджет тизими бюджетларига йўналтириш амалиётига кўра, республика солиқлари, маҳаллий солиқлар ва улушли солиқларга таснифлаш бўйича таклифлар асослаб берилган;

маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтириш, қўшимча солиқ захираларини аниқлашда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини рағбатлантиришни назарда тутувчи солиқларни бюджетлараро улушли тақсимлаш механизми ишлаб чиқилган;

маҳаллий бюджетга тушадиган режадан ортиқча солиқ тушумларининг маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги «Янги иш ўринларини ташкил этишни

рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари»га йўналтирилиши янги иш ўринларини яратишни молиявий рағбатлантиришга хизмат қилиши амалий жиҳатдан асосланган;

бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш учун солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, мажбурий йиғимларни жамғармаларга йўналтириш амалиётини бекор қилиш таклифи ишлаб чиқилган;

Андижон вилоятида бюджетлараро мутаносибликнинг таъминланишини аниқлаш бўйича амалга оширилган эконометрик таҳлил асосида акциз солиғи тушумларининг 1,0 фоизга ошиши, қуйи бюджет даромадларини 0,58 фоизга, кўшилган қиймат солиғи тушумларининг 1 фоизга ошиши қуйи бюджет даромадларининг 1,26 фоизга ўсишига олиб келишини исботловчи илмий прогноз ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, чиқарилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган методологик таклиф ва тавсиялар бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар асосида солиқлар тизимининг фойда, даромад, акциз, кўшилган қиймат солиқларини ундириш механизмини такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти улардан бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, солиқлар тизимини такомиллаштиришга доир дастурлар ва истиқболдаги режаларни ишлаб чиқишда ҳамда магистратура мутахассисликларида ўқитилаётган «Давлат молиясини бошқариш», «Солиқ тизими ва уни такомиллаштириш», «Бюджетлараро муносабатлар» каби фанларнинг ўқув дастурлари ва қўлланмаларини давр талабига мос равишда такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, турли даражадаги бюджетлар ўртасида улушли тақсимлаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 7 февралдаги 04/20-01-32/32-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2019 йилда

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича маҳаллий бюджетларга тушумлар ўтган йилга нисбатан 1,9 баробарга ўсиб, 4 709,1 млрд. сўм қўшимча маблағ тушишига эришилган;

юридик шахсларнинг (республика аҳамиятидаги йирик саноат корхоналаридан ташқари) фойда солиғини маҳаллий бюджетларга бириктириб бериш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 7 февралдаги 04/20-01-32/32-сон маълумотномаси). Натижада, 2019 йилда, ижро маълумотларига кўра, мазкур солиқ туридан маҳаллий бюджетларга тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,1 баробарга ўсиб, 332,6 млрд. сўм қўшимча даромадга эришилган;

қўшилган қиймат солиғи тушумларини республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида мақсадли тақсимлаш амалиётини товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадини инобатга олиш босқичлари юзасидан таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 7 февралдаги 04/20-01-32/32-сон маълумотномаси). Натижада, 2019 йилда, ижро маълумотларига кўра, ушбу солиқ туридан маҳаллий бюджетларга тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 баробарга ўсиб, 3 578,8 млрд. сўм қўшимча даромад тушишига эришилган;

маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари, режа топшириғининг ортиғи билан бажарилиши натижасида содир бўлган қўшимча даромадларни ҳудудларда янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига йўналтириш бўйича таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сонли «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 7 февралдаги 04/20-01-32/32-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, Ҳудудий жамғармаларга 2018 йилда 190,7 млрд.сўм, 2019 йилда 33,9 млрд.сўм маблағ йўналтирилган;

акциз солиғининг бюджетга тўланадиган қисмини аниқлашда сотиб олинган товар (хом ашё) га тегишли акциз солиғини ҳисобга олиш тартибини бекор қилиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 17/2-33281-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, акциз солиғи тушумларининг 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 613,8 млрд.сўм қўшимча тушишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та халқаро ва 19 та республика миқёсида ўтказилган – жами 35 та илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш, жумладан: 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, 4 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 16 та, хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ҳажми 250 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизими ўрнининг назарий-ҳуқуқий, ташкилий асослари**» деб номланган биринчи бобида бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар таҳлил қилиниб, уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашга хизмат қилувчи хулосалар шакллантирилган, бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштиришнинг методологик асослари қиёсий таҳлил қилинган.

Республикада бюджет тизими бюджетлари даромад ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Мамлакат тараққиётида маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги, уларнинг даромадлари барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантирган ҳолда субвенциядан чиқариш иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз чиқишларидан бирида: «Бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг субвенцияга қарамлик даражасини кескин камайтириш долзарб вазифа бўлиб турибди, ... ҳудудлар бюджетларининг 40 фоиздан зиёд харажатлари

субвенция ҳисобидан, шаҳар ва туманнинг маҳаллий бюджетида субвенция улуши 52-75 фоизни ташкил этмоқда»¹⁰, деб таъкидлаган.

Маҳаллий бюджетларнинг юқори бюджетга қарамлигини пасайтириш кўп жиҳатдан бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизими билан боғлиқдир. Маълумки, Давлат бюджети – давлатнинг йирик марказлашган пул жамғармаси бўлиб, давлат функциялари бажарилишини маблағ билан таъминлашга хизмат қилувчи иқтисодий манба ҳисобланади. Кўпчилик иқтисодчи-олимлар томонидан «давлат бюджети – давлатнинг йирик марказлашган пул жамғармаси ва асосий молия категорияси эканлиги қайд этилган»¹¹.

Муаллифнинг фикрича, давлат бюджетининг моҳияти давлат ихтиёрида марказлашган пул жамғармаларининг ташкил этилиши ва давлат функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш бўйича пулли муносабатларни ўз ичига олади.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг Бюджет бошқармаси тавсияларига кўра, «Бюджет Ҳукуматнинг марказлашган сиёсий ҳужжати бўлиб, йиллик ва узоқ муддатга мўлжалланган устувор мақсадларга эришиш усули ... давлат бюджетининг тўғри режалаштирилиши замонавий давлат бошқаруви асосларини, шунингдек, уларнинг шаффофлиги, мақсадлилиги, очиклиги, ҳисобдорлиги, давлат мақсадларини белгилаш ва унга эришишнинг стратегия ва тактикасининг изчил амалга оширилишига хизмат қилади. Шу муносабат билан, турли даражадаги бюджет бўғинлари даромад ва харажатлари мутаносиблиги фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади»¹².

Худудларда аҳолини давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий неъматлар билан тўлиқ таъминлашда маҳаллий бюджетлар муҳим ўрин тутди. Шу боис, маҳаллий бюджетлар даромад манбалари кўпайиши ва ресурслардан тежаб фойдаланишга эътибор қаратилади. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг фарқланиши, географик жойлашуви, ишбилармонлик муҳити ва инфратузилманинг мавжудлиги маҳаллий бюджетлар ҳолатини белгилаб беради. Худудда қайд этилган ҳолатлар ўртача, ундан паст ва юқори бўлади. Ўртача ва ундан паст бўлган худудлар маҳаллий бюджетлари юқори турувчи бюджетдан олинадиган молиявий ёрдамлар, умумдавлат солиқларидан ажратма меъёрларига қарам бўлади. Ўртачадан юқори бўлган худудларнинг қарамлиги нисбатан пастроқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, солиқ тушумлари бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланади.

Бюджет-солиқ тизими ёрдамида солиқ тўловчиларнинг маблағлари тақсимланади ва қайта тақсимланади. Маълумки, солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ва аҳолининг давлат бошқаруви органлари орқали бевосита қайтариб берилмайдиган, қонунда белгилаб қўйилган миқдор ва


¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б.366

¹¹ Маликов Т., Ҳайдаров Н. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. – 84 б.

¹² <https://www.oecd.org/gov/budgeting>

муддатлардаги мажбурий тўловлари бўлиб, давлат бюджетининг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларининг қарийб 90 фоизи солиқлар ҳисобига шаклланган. Лекин, ушбу солиқ тушумларининг бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланишида маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган солиқ тушумлари улуши пастлигича қолмоқда.

Республикада бюджет тизими бюджетлари даромадларида солиқ тушумларининг ўзгариши динамикаси қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқли даромадлар улушининг ўзгариш динамикаси, фоизда¹³

Таҳлил қилинаётган 2010-2019 йилларда маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган солиқ тушумлари 21,8-23,8 фоизни ташкил қилган. Мазкур ҳолат умумдавлат солиқлари ва бошқа даромадлар, жумладан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича юридик шахслардан ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ, маҳаллий ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи, давлат божлари, йиғимлар ва жарималар тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилиши ҳисобига юз берган.

Мамлакатда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини оширишга қаратилган сиёсат юритилишига қарамай, маҳаллий бюджетлар ихтиёридаги даромадлар улуши пастлигича сақланиб қолаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди ҳамда маҳаллий бюджетлар учун етарли даражада эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим дастаги сифатида қаралганда, солиқлар тизимининг оптимал ҳолати иқтисодий ривожланишга сезиларли туртки беради. Шу боис, республикада бюджет тизими бюджетларининг барқарор даромад базасини таъминлашда солиқлар тизими мунтазам такомиллаштириб борилиши ва

¹³Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тўлиқ келиб тушишига эришиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Бунда солиқларнинг ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши механизмининг такомиллаштирилиши муҳим ҳисобланади, жумладан, акциз солиғини ҳисоблаш тартибини соддалаштиришда сотиб олинган акцизоти маҳсулотларга тегишли акциз солиғини чегириш амалиётининг бекор қилиниши маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, сўнгги йилларда солиқларнинг давлат бюджетини тўлдиришдаги фискал функциясидан четланиб, айрим соҳа ёки тармоқни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган жамғармаларнинг молиявий манбаи сифатида солиқ тушумлари белгиланган. Хусусан, мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида пиво ва тамаки маҳсулотлари учун жорий этилган йиғимни келтириш мумкин. 2018 йилда ушбу йиғим ҳисобидан жамғармага 308 млрд.сўм маблағ ўтказилган¹⁴. Фикримизча, солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, мазкур йиғимни бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ тўловчилар солиқларни тўлагач, ихтиёрида қолаётган фойдани қайта инвестициялаш орқали хўжалик фаолиятида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва фойдасини оширишдан манфаатдор ҳисобланади. Мазкур ҳолат иқтисодиётдаги умумий солиқ юки ёки алоҳида олинган юридик ва жисмоний шахслар, иқтисодиётнинг бирор тармоғига нисбатан аниқланган солиқ юки билан белгиланади. Мамлакатда иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган бюджет-солиқ сиёсати ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Аниқ тасаввурга эга бўлиш учун 1-жадвал маълумотларига мурожаат этамиз.

1-жадвал

Ўзбекистонда давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улушининг ўзгариш динамикаси, фоиз ҳисобида¹⁵

Кўрсаткичлар	Йиллар											
	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Жами бюджет даромадлари	23,8	22,5	22,0	21,9	21,5	22,0	21,9	21,3	20,6	19,9	19,4	21,9
Шу жумладан:												
бевосита солиқлар	5,5	5,2	5,1	5,8	5,4	5,3	5,1	5,1	4,9	4,6	3,8	6,1
билвосита солиқлар	12,4	11,5	11,3	11,4	11,7	11,3	11,6	11,2	10,6	10,5	10,1	9,2
ресурс тўловлари ва мулк солиғи	3,6	3,7	3,4	3,4	2,9	3,3	3,0	2,8	2,7	2,8	3,1	3,8
бошқа даромадлар	2,3	2,1	2,2	1,3	1,5	2,1	2,2	2,2	2,4	2,1	2,4	2,8

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

1-жадвал маълумотларига кўра, ЯИМда бюджет даромадларининг салмоғи 2008 йилда 23,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йил якунларига кўра, 19,4 фоизни ташкил қилиб, сўнгги йилларда устун даражада иқтисодиётдаги солиқ юки пасайиш тенденциясига эга бўлган. Лекин 2019 йил якунларига кўра, 2018 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич ошган. Хусусан, бевосита солиқлар тушумида кескин ўзгариш рўй бериб, 2,3 фоизли пунктга ўсган. Ушбу ўсишнинг сабаби сифатида 2019 йилда 2018 йилга нисбатан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, жумладан, даромад солиғини тўловчи жисмоний шахслар сони 780 831 нафарга ортган, мулк солиғини тўловчилар сони 984 451 тага, ер солиғини тўловчилар 955 266 нафарга ортган. Даромад солиғини тўловчи жисмоний шахслар сони ортишининг иккита омилини келтириш мумкин: биринчидан, хўжалик субъектлари ягона ижтимоий тўлов ставкасининг пасайиши, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига жисмоний шахсларнинг мажбурий суғурта бадали бекор қилиниши натижасида «конверт» асосида ҳақ тўлашнинг қисқариши юз берган; иккинчидан, солиқ тўловчилар 2019 йил 1 апрелга қадар ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ихтиёрий равишда ҳисоботларда расмийлаштирган ҳамда акс эттирган тақдирда аввалги ҳисобот даврларида ходимлар сонини яширганлик учун жавобгарликдан, илгари кўрсатилмаган ходимлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлови суммасини кўшимча ҳисоблашдан озод қилинган. Мол-мулк ва ер солиғи тўловчилар сонининг ортишини 2019 йилдан соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўлови тўловчилар учун умумий асосларда мол-мулк ва ер солиқлари жорий этилганлиги билан изоҳлаш мумкин.


Хулоса ўрнида, республикада солиқ юкининг пасайиб боришига эришилаётганини – қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар, оқилона ва одилона бюджет-солиқ сиёсати натижаси сифатида қайд этиш мумкин.

Тадқиқотнинг **«Бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш жараёнида маҳаллий бюджетлар даромади ҳозирги ҳолатининг таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида маҳаллий бюджетлар даромадида бириктирилган даромадларнинг улуши ва ўзгариш тенденциялари тадқиқ қилинган ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар баҳоланган, шунингдек, солиқларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш орқали бюджетлараро мутаносибликни таъминлашга хизмат қилувчи амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Солиқларнинг бюджет тизими бюджетларига бириктирилишида аҳоли сони, зичлиги ва солиқ тўловчилар сони инобатга олинади. Ушбу мезонлар асосида қуйи турувчи бюджетлар даромади харажатларини қоплаш учун етмаса, шунингдек, республикада ижтимоий неъматларнинг адолатли тақсимланишига эришишда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш дастакларидан фойдаланилади. Республикада иқтисодий ислохотлар натижасида маҳаллий бюджетлар: вилоят ҳамда туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромад ваколатлари белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб,

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу солиқларни тўлик ва ўз вақтида тушиши учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиб, улар бўйича ортиқча тушумлар таъминлашидан манфаатдорлиги кучайтирилди.

Умумдавлат солиқларининг (юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз ва б.) бир қисми қонунчиликда белгиланган норматив меъёрлар асосида маҳаллий бюджетларга ўтказилади. Умумдавлат солиқларидан ажратма меъёрларининг ўзгариб туриши маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, қўшилган қиймат солиғи, даромад солиғи, фойда солиғидан тушумларни улушли тарзда маҳаллий бюджетларда қолдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Тадқиқот натижасида солиқларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида улушли тарзда тақсимлашни йўлга қўйиш таклиф этилган.



2-расм. Бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқ турларини улушли тақсимлаш натижалари, фоизда¹⁶

Умумдавлат солиқларининг (ҚҚС, акциз, фойда ва даромад солиқлари) улушли тарзда бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланиши маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мазкур солиқ турлари бўйича тушумлар барқарорлигини таъминлаш ва қўшимча солиқ захираларини излаб топишга қаратилган фаолиятини қўшимча равишда рағбатлантиради. Жумладан, муаллиф томонидан таклиф қилинган умумдавлат солиқларини улушли тарзда тақсимлаш натижасида 2015-2018 йилларда акциз солиғи тушумларидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида умумий тушумларнинг 4,2-5,0 фоизи қолдирилган бўлса, 2019 йилда 18,6 фоизи қолдирилган. 2015 йилда қўшилган қиймат солиғи тушумларининг 14,5 фоизи қолдирилган бўлса, 2019 йилда 23,1 фоизи, фойда солиғи тушумларининг 2015 йилда 18,2 фоизи қолдирилган,

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2019 йил якунларига мувофиқ, 28,9 фоизи қолдирилган. 2015 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг 58,8 фоизи маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 73,4 фоизни ташкил қилган.

Муаллиф фикрича, солиқларнинг улушли тарзда бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланиши натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу солиқ тушумларини режадан ортиқча бажаришдан манфаатдорлиги пайдо бўлади, мазкур солиқ турлари бўйича реал солиқ захираларини ҳисобга олиш рўй беради, ҳудуддаги хуфёна иқтисодиётни камайтиришга эришилади.

Тадқиқотда хориж мамлакатларидаги бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимидан самарали фойдаланиш тажрибалари кенг ўрганилган. Унга мувофиқ, бюджетлараро муносабатларда солиқлар тизимининг такомиллаштирилиши ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, бюджетга барқарор тушумларни шакллантиришга хизмат қилган. Жумладан, Австрияда федерал бюджетдан инфратузилма лойиҳаларига сармоя киритилиб, мактабларни реконструкция қилиш, шунингдек, ишсизликка қарши курашиш мақсадида давлат бюджетидан таълим тизими орқали бандлик таъминланган¹⁷. Австралияда марказий маблағлар мактаблар ва йўлларни таъмирлаш, тиббиётда бандликни ошириш каби йўналишларга сарфланган¹⁸. Германияда федерал ҳукумат томонидан ижтимоий соҳа объектларида энергия тежамкорлигини оширишни модернизациялашга қаратилган маҳаллий лойиҳалар молиялаштирилган¹⁹. Қайд этилган лойиҳалар ҳудудларда талабни рағбатлантириш ва ишсизликни камайтириши билан бирга, инфратузилмага йўналтирилган сармоялар маҳаллий давлат ҳокимияти жорий харажатларини камайтирган. Шунингдек, солиққа тортиладиган кўшимча захиралар шаклланиши натижасида бюджет тизими бюджетлари даромадлари ошган ҳамда бюджетлараро мутаносиблик таъминланган.


Республикада аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар таъсирчанлигини оширишда ҳудудларда маҳаллий солиқлар ва контингент бўйича даромадлар режасининг ортиғи билан бажарилиши натижасида ҳосил бўлган кўшимча даромаддан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига маблағлар йўналтиришни йўлга қўйиш таклиф этилган. Бунинг натижасида ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳалар натижадорлигига эришилади.

Қуйида 3-расмда Янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига йўналтирилган маблағлар бўйича маълумотлар келтирилган.

¹⁷Federal Chancellery of Austria. http://www.bka.gv.at/site/infodate_19.01.2009/6632/default.aspx#id33494.

¹⁸Australian National Building Economic Stimulus Package. <http://www.economicstimulusplan.gov.au/>.

¹⁹Deutschland Online. <http://www.magazine-deutschland.de/en/artikel-en/article/article/wege-aus-der-krise.html>.



3-расм. Худудлар кесимида янги иш ўринларини яратишни рағбатлантириш жамғармасига ўтказилган маблағлар, млн.сўмда²⁰

3-расмга кўра, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан қарийб 5,5 марта кам маблағ ўтказилган. 2019 йилда айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан маблағлар тўғридан тўғри янги иш ўринларини яратиш йўналишида сарфланган.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, худудларда янги иш ўринларини яратиш бўйича лойиҳа ташаббускорларини маҳаллий давлат бошқаруви органлари томонидан рағбатлантирилишининг қўшимча чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқотнинг «**Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда бюджетни номарказлаштиришнинг таъсирини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида бюджетни номарказлаштириш ва иқтисодий ўсиш ўзаро алоқадорлигининг концептуал асослари ўрганилган, бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда бюджет федерализмидан фойдаланиш моделлари, бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси ва ундан фойдаланиш йўлларига доир ёндашувлар баён этилган, республикада умумдавлат солиқларидан ажратма меъёрларининг бюджетлараро мутаносибликни таъминлашга таъсири эконометрик таҳлил қилинган.

Бюджетни номарказлаштириш – давлат молияси назариясининг муҳим йўналиши бўлиши билан бирга, давлат секторини ислоҳ қилиш жараёнидаги чора-тадбирларда фойдаланиладиган бюджет сиёсати ҳамдир. Бюджетни номарказлаштириш даромад ва харажатлар бўйича ваколатларнинг

²⁰Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

(солиқларни ўрнатиш ва ундириш, харажатларнинг устувор йўналишларини белгилаш) марказий давлат бошқаруви органларидан маҳаллий органларга ўтказилиши ҳисобланади. Иқтисодчи олим Оутснинг фикрича: «Бюджет федерализми давлат сектори вертикал молиявий тузилмасини акс эттирувчи нисбатан кенг тузилма бўлиб, турли даражадаги бошқарув органлари ўртасида даромад ва харажат ваколатлари тақсимланишини, бюджетлараро трансфертлар тизимини қамраб олади»²¹.

Тадқиқот натижалари асосида бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқ ваколатларини чегаралашда иқтисодий манфаатларнинг ўзаро уйғунлашувига имкон берувчи қуйидаги алоҳида жиҳатлари аниқланган:

– марказий давлат ҳокимияти органининг солиқ ваколатлари миллий иқтисодиётни тартибга солиш, мамлакат ҳудудлари бўйича ягона иқтисодий ва солиқ маконини қўллаб-қувватлашга етарли бўлиши шарт;

– бюджет даромадларини барқарорлаштириш имконига эга солиқларни тартибга солиш бўйича ваколатлар марказий давлат ҳокимиятига бириктирилган, ушбу ҳолатда маҳаллий солиқлар циклик барқарор бўлиши шарт;

– ҳақиқий фаолият жойи бўйича солиқларнинг тўланишини таъминлаш мураккаблиги шароитида мазкур солиқ мақоми юқори турувчи бюджетга тааллуқли бўлиши керак;

– маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари доирасидаги солиқлар ҳудудлараро капитал, ишчи кучи, маҳсулот ва хизматлар кўчиб юришига тўсқинлик қилмаслиги керак;

– бир ҳудудда жорий этилган маҳаллий солиқлар юки бошқа ҳудудлар зиммасига «экспорт» қилинишига йўл қўйилмаслиги керак.

Иқтисодий адабиётларда бюджет тизими бюджетлари даромад ваколатлари юзасидан уч хил назарий ёндашув мавжуд.

Биринчи назарий ёндашув тарафдорлари фикрича, бюджет даромадлари ваколатларининг маҳаллий давлат бошқаруви органлари зиммасига ўтказилиши марказий бюджет харажатларини пасайтириши билан бирга, маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўсишига олиб келади. Муаллиф фикрича, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари даромад ваколатларининг кенгайтиши ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасининг ошишига хизмат қилади.

Иккинчи назарий ёндашув тарафдорлари фикрича, маҳаллий давлат ҳокимиятининг бюджет даромадларига оид ваколатларининг ортиши ва мустақил равишда солиқларни белгилаш имконияти ҳудудлар ўртасида рақобатни вужудга келтиради. Бироқ, муаллифнинг фикрича, маҳаллий давлат ҳокимиятининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида бизнесни қўллаб-қувватлаш учун солиқ ставкаларини пасайтириши ҳудуднинг маҳаллий бюджетлари даромадларининг камайишига олиб келиши ва бюджет билан таъминланганлик даражасига салбий таъсир этиши мумкин.

²¹ Oates, W. E. (1999). An essay on fiscal federalism. Journal of economic literature, 37(3), 1120-1149.

Учинчи назарий ёндашув тарафдорлари фикрича, бюджетни номарказлаштириш оқибатида юзага келган ўзаро рақобатни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзаро келишилган тартибда ўрнатишлари мумкин. Шунингдек, келишувлар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари умумий даромадни пасайтириб кўрсатишга уринади, потенциал солиқ захираларини яшириб, харажатларни кўпайтириб кўрсатади. Муаллиф фикрича, мазкур ҳолатда аҳолининг ижтимоий неъматлар билан таъминланиш даражаси бўйича ҳудудлар ўртасида кескин тафовут вужудга келиши мумкин.

Ривожланган давлатларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, маҳаллий давлат ҳокимияти харажат мажбуриятларининг даромад ваколатларига нисбатан юқори бўлиши юқори бюджетдан ажратиладиган молиявий ёрдамга нисбатан тартибга солинадиган солиқлар (даромад, фойда, ҚҚС, акциз) тушумларини бюджетлараро тақсимлаш натижадорлигини кўпроқ оширади. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– даромадларнинг улушли тақсимланиши маҳаллий давлат ҳокимиятига харажатларни узлуксиз молиялаштириш имконини беради. Акс ҳолда харажатлар даромадлардан ошиб кетиши натижасида маҳаллий бюджетларда бюджет маблағлари узилишларининг ортиб кетишига сабаб бўлади. Даромад ва харажат ўртасидаги тафовутни қоплаш учун юқори турувчи бюджетдан олинadиган молиявий ёрдамга мурожаат қилинади. Натижада, маҳаллий бюджет харажатларининг маҳаллий солиқ тўловчилар зиммасига тушадиган солиқ юкидан эмас, умумий молиявий ресурслардан молиялаштирилиши таъминланади. Ижтимоий неъматлар билан таъминлаш юкининг ҳудудлар ўртасида тақсимланиши юз беради²²;

– маҳаллий харажатларни молиялаштиришга юқори бюджетдан ажратилadиган молиявий трансфертлар маҳаллий давлат ҳокимиятининг харажатларни ошириб кўрсатиш орқали молиявий ёрдам олишга интилиши ва иштиёқини орттиради²³;

– юқори бюджет маблағлари ҳисобидан харажатларни молиялаштириш имконияти маҳаллий давлат ҳокимиятлари ўртасида рақобатни юзага келтиришга тўсқинлик қилади. Қуйи бюджетлар юқори бюджетлардан ажратилadиган грант ва трансфертлар кўринишидаги қайта тақсимланadиган даромадларни кўпроқ ҳажмда жалб қилишга интилади²⁴.

Классик назарияга биноан, бюджет федерализмига давлат секторининг учта муҳим функцияси сифатида қаралади: иқтисодий самарадорликни ошириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, даромадларни қайта тақсимлаш. Номарказлаштирилган тартибда ижтимоий неъматларни тақдим

²²Mello, Luiz de «Fiscal Federalism and Government Size in Transition Economies: The Case of Moldova», IMF Working Paper, 1999. Mello, Luiz de «Intergovernmental Fiscal Relations: Coordination Failures and Fiscal Outcomes» Public Budgeting and Finance, 19, p. 3-25.

²³Ahmad E., Hewitt D., Ruggiero E. «Assigning Expenditure Responsibilities» In: Ter-Minnassian T. (Ed.). «Fiscal Federalism in Theory and Practice», Washington, IMF, 1997.

²⁴ Fukasaku, K., and L. de Mello. «Fiscal Decentralization and Macroeconomic Stability: The Experience of Large Developing Countries and Transition Economies»; Democracy, Decentralization, and Deficits in Latin America, Ed. By K. Fukasaku and R. Haussmann (Paris: OECD), 1998.

этиш самарадорлиги марказлаштирилгани билан таққосланганда нисбатан юқори, сабаби куйи давлат ҳокимияти органи аҳолининг хоҳиш-истагини тўлиқ қондириш ҳисобига аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлайди.

2-жадвал

Хориж давлатларида бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш йўналишлари²⁵

№	Мамлакат	Бюджетлараро муносабатлар хусусиятлари
1	АҚШ	Марказ худудий бирликларни ривожлантириш мақсадида субсидия, субвенция ва дотация тақдим этиш орқали сезиларли таъсир кўрсатади. Бюджетлараро мутаносиблик мақсадли грантларнинг мураккаб тизими билан таъминланади.
2	Германия	Солиқларнинг улуш тарзида тақсимланиш тизими яхши ривожланган, ҚҚСни қайта тақсимлаш тизими алоҳида аҳамият касб этади. Общиналарда (туман (шаҳар) даражасидаги бюджетларда) бюджет трансфертларининг роли юқори. Мақсадли субсидиялар тақдим этиш амалиёти қўлланилади. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш мақсади ўлкалар тасарруфидаги общиналар ўртасидаги тенгсизликни қисқартиришга йўналтирилган.
3	Канада	Бюджет маблағларини тақсимлашнинг учта йўналиши амал қилади: бюджет даромадлари мутаносиблиги учун трансфертлар, тасдиқланган дастурларни молиялаштириш, молиявий қўллаб-қувватлаш доирасидаги молиявий ёрдам. Бюджетлараро мутаносиблик минимал миллий стандартларни таъминлашни назарда тутаяди.
4	Франция	Бюджетлараро муносабатлармамлакатда давлат ҳокимиятининг унитархарактердалигининг белгиси сифатида молиявий ресурсларнинг юқори даражада марказлашганлиги билан изоҳланади. Маҳаллий бюджетларга субсидия ва дотациялар тақдим этиш солиқ потенциали ва солиқ юки кўрсаткичлари асосида ҳисобланади.

Замонавий шароитда бюджет федерализми, бюджетни номарказлаштириш ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги масалалари мунтазам равишда ўрганиб келинаётгани аниқланди. Иқтисодчи олим Брюкнер тадқиқотларида номарказлашган мутаносибликда (federalist equilibrium) марказлашган мутаносибликка (unitary equilibrium) нисбатан таълимга сарфланган вақт ва физик капитал даражаси анча юқорилиги исботланган²⁶. Бюджетни номарказлаштиришнинг афзаллиги горизонтал ва вертикал бюджет рақобатининг кенгайишида намоён бўлади²⁷.

Муаллиф томонидан солиқлардан ажратма меъёрларини ажратиш ҳолатларини эконометрик таҳлил қилиш мақсадида маҳаллий бюджет барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг таъсир доираси аниқланган. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, фойда солиғи, акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғининг ички алоқадорлик боғлиқлигидан

²⁵ Илмий изланиш жараёнида муаллиф томонидан тайёрланган

²⁶ Brueckner J.K. (2006). Fiscal federalism and economic growth. Journal of Public Economics, 90(10-11).

²⁷ Brennan, G., & Buchanan, J. M. (1980). The power to tax: Analytic foundations of a fiscal constitution.

келиб чиқиб, маҳаллий бюджетнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий прогнози ишлаб чиқилган.

Андижон вилояти мисолида маҳаллий бюджет барқарорлиги миқдорига таъсир этувчи омиллар таъсирининг эконометрик моделини ишлаб чиқишда: $X = \{X_1, X_2, \dots, X_n, t\}$ – танланган омиллар гуруҳи, яъни эрксиз ўзгарувчилар X_1 - акциз солиғи, X_2 - қўшилган қиймат солиғи, t – вақт (тренд) омилида йиллар кабилар танлаб олинган. Ҳисоб-китоб натижалари асосида кўп омилли регрессион модель қуйидаги кўринишга эга бўлган:

$$\text{LOG}(Y) = -0,5824 * \text{Log}(X_1) + 1,2646 * \text{Log}(X_2) + 3,8609(1)$$

Эконометрик таҳлил натижалари асосида ишлаб чиқилган Андижон вилояти мисолида «Бюджетлараро мутаносибликнинг таъминланиш даражаси»ни реал нархларда прогнозлаштириш модели асосида қилинган ҳисоб-китоблар бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда акциз солиғи тушумининг 1 фоизга ошиши, «Бюджетлараро мутаносибликнинг таъминланиш даражаси»нинг 0,58 фоизга, қўшилган қиймат солиғи тушумининг 1 фоизга ошиши «Бюджетлараро мутаносибликнинг таъминланиш даражаси»нинг мос равишда 1,26 фоизга ўсишига олиб келиши илмий асосланган.

«Бюджетлараро мутаносибликнинг таъминланиш даражаси» Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети кўрсаткичларини реал нархларда прогнозлаштириш моделини ишлаб чиқишда: $X = \{X_1, X_2, \dots, X_n, t\}$ – танланган омиллар гуруҳи, яъни эрксиз ўзгарувчилар: X_1 - акциз солиғи, X_2 - фойда солиғи, t – вақт (тренд) омилида йиллар кабилар танлаб олинган. Ҳисоб-китоб натижалари асосида кўп омилли регрессион модель қуйидаги кўринишга эга бўлган:

$$\text{LOG}(Y) = 71,160645 - 3,536402 * \text{Log}(X_1) - 3,672030 * \text{Log}(X_2)(2)$$

«Бюджетлараро мутаносибликнинг таъминланиш даражаси» Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетини реал нархларда прогнозлаштириш модели асосида қилинган ҳисоб-китоблар бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда акциз ва фойда солиқлари тушумларининг 1 фоизга ошиши, «Маҳаллий бюджетлар барқарорлиги»ни мос равишда 3,53 ва 3,67 фоизга таъминлашга хизмат қилиши аниқланган. Мазкур ҳисоб-китоблар аниқлигини ошириш мақсадида моделнинг стандарт хатолиги (Standard error of regression) даражаси нолга яқини танлаб олиниб, F-статистикасининг мезон талабларига мос ва моделнинг ҳаётийлик даражаси юқори эканлиги асосланган. Шунингдек, моделнинг реаллилик даражасини баҳолаш учун регрессия қолдиқларининг нормал тақсимотга эга эканлиги, регрессия қолдиқларида автокорреляция ва қолдиқлар билан ўзгарувчилар ўртасида гетерокадастиклик муаммоси мавжуд эмаслигини аниқловчи тестлар орқали текширувдан ўтказилган.

Ишнинг тўртинчи боби «Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш масалалари» деб

номланиб, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини оширишда солиқларнинг бюджетлараро тақсимотини оптималлаштириш, ҳудудлар бюджет барқарорлиги ва молиявий мустақиллигини ошириш, маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқ потенциалидан фойдаланиш, бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштиришга доир илмий ёндашув ва қарашлар ёритилган.

Муаллифнинг фикрича, бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш куйидаги иккита сабабга кўра муҳим саналади:

1. Бюджетда салбий сальдо вужудга келишининг олдини олиш ва турли даражадаги бюджет даромадлари мутаносиблигини таъминлашда ишлаб чиқариш, солиққа тортиш ва кредит бериш шартлари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш талаб этилади. Бюджет дефицитини камайтириш учун фақат монетар усуллардан фойдаланиш, маъмурий чораларни қўллаш муаммони ҳал этишда етарли бўлмайди.

2. Бюджет тизими бюджетлари ўртасидаги муносабатларни ягона тизимли комплекс сифатида расмийлаштириш муҳимдир. Боғлиқликнинг мантиқи алоҳида солиқлар билан бирга, барча солиқли ва бошқа даромадлар ҳамда давлат бюджети харажатлари ўртасида мавжуд бўлиши керак.

Илмий тадқиқотда маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини баҳолашга турлича ёндашувлар мавжудлиги аниқланди. Ёндашувларга кўра, маҳаллий бюджетларнинг ўз даромад манбаларисолиқ ставкаси ва солиқ базасини белгилашдаги иштирокига кўра аниқланиб, даромадлар таснифи куйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Маҳаллий бюджетлар даромад манбалари таснифи²⁸

№	Даромад манбаи	Таснифи
1.	Ўз даромадлари	Марказий давлат ҳокимияти томонидан солиқ солинадиган база аниқланади, солиқ солинадиган база ва солиқ ставкаси маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан назорат қилинади
2.	Солиқсиз даромадлар	Маҳаллий давлат ҳокимияти тўлов миқдорини ўрнатади ва унинг назоратини амалга оширади
3.	Ўзаро тақсимладиган солиқлар	Марказий давлат ҳокимияти томонидан солиқ солинадиган база ва солиқ ставкалари аниқланади, лекин даромадлар тақсимоти пропорциясида маҳаллий давлат ҳокимияти қатнашади
4.	Умумий мақсадли грантлар	Марказий давлат ҳокимияти томонидан ажратиладиган миқдор қайта тақсимлаш функциясидан келиб чиқиб аниқланади, маҳаллий давлат ҳокимияти мустақил равишда маблағларнинг сарфланиш йўналишларини белгилайди.
5.	Махсус грантлар	Марказий давлат ҳокимияти томонидан ажратиладиган маблағ миқдори аниқланади ёки маҳаллий давлат ҳокимияти зиммасига юклатиладиган қўшимча мажбуриятдан келиб чиқилади, бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам маблағларнинг сарфланиш йўналишларини марказий давлат ҳокимияти белгилайди.

²⁸Cigu E. (2013). Financial revenue autonomy of local budgets in Romania. Journal of Public Administration, Finance and Law, (3), 59-67.

3-жадвалда келтирилган даромадлар маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини аниқ параметрлар асосида талқин қилган. 1-, 2-ва 3-гуруҳ даромадлар маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари сифатида қаралиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ солинадиган база билан бирга, солиқ ставкаларини ҳам ўрнатишда мустақилликка эга бўлишини, лекин марказий давлат ҳокимияти органлари умумий назоратни олиб бориши зарурлиги қайд этилган. 4-ва 5-гуруҳ – умумий ва махсус грантлар маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигига бевосита таъсир этмайди.

Умуман олганда, юқорида келтирилган таҳлилларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Хусусан:

– маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини баҳоловчи ягона мезон ишлаб чиқилиши зарур. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади;

– маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий ҳолатини мунтазам баҳолаб бориш тизимини яратиш. Бунда илмий-тадқиқот марказлари билан биргаликда кўп омилли таҳлилий дастур яратиш, ҳар бир ҳудудда мавжуд маълумотларни киритиб, мустақил равишда молиявий мустақиллигини баҳолаш, йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, уни бартараф этиш йўллари юзасидан тегишли мустақил қарорлар қабул қилиш имконини тақдим этиш лозим;

– маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини баҳолашда солиқ потенциалидан фойдаланишни йўлга қўйиш заруриятидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига «солиқ потенциали» тушунчасини киритиш керак;

– маҳаллий давлат ҳокимиятига берилган ваколатлар доирасида ҳудудда мустақил бюджет-солиқ сиёсатини юритиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқ.

Илмий тадқиқотда солиқ потенциали ва уни баҳолаш масаласи илмий мунозаралар марказидаги масалалардан бири эканлиги ўрганилган. Хориж илм-фанида мазкур иқтисодий категориянинг моҳияти борасидаги ёндашув ва қарашларни ўзида мужассамлаштирган қатор ишланмалар мавжуд. Солиқ потенциали (СП) бюджет федерализми модели кенг қўлланиладиган кўпчилик давлатларда молиявий потенциал билан тенглаштирилади²⁹. Ушбу категория аксарият ҳолларда ҳудуднинг солиқ тушумлари кўринишида даромад келтирадиган солиқ базаси сифатида тушунилади. Жумладан, қатор тадқиқотларда, солиқ потенциали мамлакат иқтисодий, ижтимоий, институционал ва демографик хусусиятларидан келиб чиқиб, солиқлардан олинадиган максимал даромад миқдорини ифодалайди, дея таърифланади³⁰.


²⁹ Gupta, M.S., & Abed, M.G.T. (2002). Governance, corruption, and economic performance. International Monetary Fund.

³⁰ Pessino, C., & Fenochietto, R. (2010). Determining countries' tax effort. Hacienda Pública Española/Revista de Economía Pública, 65-87.

Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар солиқ потенциални солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти тарзида ифодалайди³¹. Уларнинг фикрича, солиқ потенциали давлат томонидан йиғилган умумий солиқ суммаси бўлиб, солиқ тўловчининг солиқ потенциали ва мамлакат солиқ потенциали каби турлардан иборат.

Республикада амалдаги солиқ ёки бюджет қонунчилигида «солиқ потенциали» тушунчаси киритилмаган, муаллифнинг фикрича, бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишда ҳудудда саноат ишлаб чиқаришини кўпайтириш, солиқ солинадиган базани кенгайтиришмасалалари «ҳудудлар солиқ потенциали» тушунчасини солиқ қонунчилигига киритиш орқали ҳал этилиши зарур. Бунда, ҳар бир ҳудуднинг солиқ потенциални ҳисоблаб чиқиш, уни ошириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббусини рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Халқаро амалиётда солиқ ваколатларини бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлашнинг учта моделидан кенг фойдаланилади.



4-расм. Халқаро амалиётда солиқ ваколатларини бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш моделлари³²

Дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қайд этиб ўтилган моделларнинг биридан фойдаланади. Ривожланган мамлакатларда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш узоқ йиллар давомида шаклланган бўлиб, унинг баъзи элементлари вақт ўтиши билан такомиллаштириб борилган. Ривожланаётган давлатларда бюджетлараро мутаносибликни таъминлашга йўналтирилган ислохотларни амалга ошириш янги тамойил ва шароитларга асосланганлиги билан ажралиб туради.

³¹ Gupta, M.S. Governance, corruption, and economic performance. / M.S. Gupta, G.T. Abed // International Monetary Fund. – 2002. – 564 p.; Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity / C.Y.Kuo//JDI Executive Programs. – 2000. – №. 2000-08. – 34p.

³² Diamond, J. (2003). Budget system reform in transitional economies: the experience of Russia. Emerging Markets Finance and Trade, 39(1), 8-23. <http://www.jstor.org> асосида муаллиф ишланмаси

Ҳозирга қадар жаҳон амалиётида бюджетлараро муносабатларни ривожлантиришнинг учта асосий йўналиши мавжуд:

- бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларнинг тақсимланиши;
- харажатларни молиялаштириш бўйича ваколатлардаги чекловлар;
- бюджетлараро тартибга солиш (турли шаклдаги бюджет воситаларини юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайта тақсимлаш).

Ўзбекистонда солиқлар тизимини такомиллаштиришда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш учунқуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, солиқларни амалдаги умумдавлат, маҳаллий солиқлар ва мажбурий тўловлар эмас, балки умумдавлат, маҳаллий ва улушли тарзда тақсимланадиган солиқларга ажратиш лозим;

иккинчидан, бюджет тизими бюджетлари солиқли даромадлари бўйича давлат бошқарув органлари ваколат ва мажбуриятларининг аниқ чегараларини белгилаб олиш;

учинчидан, давлат бюджетини ўрта муддатли режалаштиришнинг жорий этилишидан келиб чиқиб, солиқларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш орқали бюджетлараро мутаносибликни таъминлашнинг аниқ методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бунда ҳар бир ҳудуднинг хусусиятини инобатга олиш зарур.

Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашнинг трансфертлар тизими ва ажратма меъёрларини ўрнатиш механизми солиқ дастакларини тўлдирувчи таркибий қисмлари ҳисобланади.

Кўпчилик юқори даражада ривожланган давлатларда (Ғарбий Европа, АҚШ) нисбатан вертикал мутаносибликка эришилган, ажратма меъёрларини ўрнатиш бюджетлараро трансфертларга нисбатан анча паст аҳамиятга эга (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Бюджетлараро мутаносиблик дастаклари³³

Мамлакатлар	Дастаклар гуруҳи	Таркиби	Фойдаланиш мақсади
АҚШ, Австралия, Ғарбий Европа, Россия Федерацияси	Солиқли	Солиқли даромадларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш	Вертикал мутаносиблик
АҚШ, Австралия, Ғарбий Европа, Россия Федерацияси	Бюджетлараро қўллаб-қувватлаш	Бюджет трансфертлари (дотация, субвенция, ссуда ва б.)	Горизонтал мутаносиблик
Лотин Америкаси мамлакатлари, Осиё ва Африка давлатлари	Ажратма меъёрларини ўрнатиш	Солиқли даромадларда ажратма меъёрларини ўрнатишнинг турли механизмлари	Вертикал ва горизонтал мутаносиблик

³³Тадқиқот натижалари бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

4-жадвалда келтирилган бюджет тизими бюджетлари мутаносиблигини таъминлаш дастаклари Ўзбекистонда кенг қўлланилади. Маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш юзасидан бюджетлараро қўллаб-қувватлаш (дотация, субвенция, ссуда ажратиш) сўнгги икки йилда бироз аҳамияти пасайтирилган ҳолда, мақсадли бюджет трансфертларини ажратиш механизми йўлга қўйилди.

Муаллифнинг фикрича, ажратма меъёрларини ўрнатишга асосланган дастак янгича ёндашувни тақозо этади. Яъни асосий солиқ турлари (фойда ва даромад солиғи, ҚҚС, акциз) бўйича амалдаги ажратма меъёрлари тартибини ривожланган давлатлардаги каби маълум улушларда бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқ тушумларини улушли тақсимлашга алмаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида горизонтал бюджет мутаносиблигини таъминлашнинг рағбатлантирилишига эришилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, марказлашган бюджет амал қилувчи унитар давлатларнинг аксариятида вертикал номутаносиблик жиддий муаммолардан бири саналади. Қайд этилганидек, вертикал номутаносиблик харажат ваколатлари ва мазкур харажатларни амалга ошириш учун олинадиган даромадлар ўртасида номутаносиблик мавжудлигини англатади. Вертикал номутаносиблик даражасини тегишли коэффицент ёрдамида ўлчаш мақсадга мувофиқ. Вертикал номутаносибликнинг коэффиценти тарзида олинадиган кўрсаткичлар борасида турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд³⁴. Жумладан, айрим тадқиқотларда маҳаллий бюджетлар ўз даромадлари харажатларига нисбатидан фойдаланилса, бошқа ёндашувда маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларини умумий даромадларга нисбати олинади³⁵.

Муаллиф фикрича, мазкур икки ёндашув бўйича шакллантирилган коэффицентлар вертикал номутаносиблик даражасини тўлиқ баҳолай олмайди. Чунки бунда маҳаллий бюджетга юқори турувчи бюджетдан бюджетлараро молиявий қўллаб-қувватлаш шаклида берилган даромадлар ҳисобга олинмаган. Шунингдек, вертикал молиявий узилишлар даражасини ўлчашда марказий бюджетдан ҳудудлар бюджетига тушган трансфертлар улушининг умумий харажатларига нисбатини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Маҳаллий бюджет харажатларининг трансферт тушумлари орқали қопланиши марказий ҳокимият органи назорати кучли бўлишини таъминлайди.

Демак, бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда давлат аралашуви вертикал ва горизонтал молиявий номутаносибликларни бартараф этишга йўналтирилади, аммо ушбу чоралар натижасида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мақсадини кўзлайди. Ривожланмаган ҳудудлар иқтисодиётини юксалтирмай туриб, уларнинг барқарор ривожланиши,

³⁴ Musgrave R.M. The Theory of Public Finance. - NY.: McGraw-Hill, 1959.

³⁵ Лавров А. Бюджетный федерализм и финансовая стабилизация // Вопросы экономики. - 1995. - № 8. - С. 21-29.

аҳолининг турмуш даражасини ошириш нуқтаи назаридан ҳудудлар номутаносиблигига барҳам беришга эришиб бўлмайди.

ХУЛОСА

Мазкур диссертация тадқиқоти доирасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Бюджетлараро муносабатларнинг шаклларида бири бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимидан фойдаланиш, солиқларнинг бюджет тизими бюджетлари даромадларини шакллантириш борасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш, дунё мамлакатларида ушбу тадқиқот йўналишида олиб борилаётган изланишларга уйғунлигини таъминлаш чораларини кўриш лозим.

2. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш мақсадида ажратиладиган бюджет трансфертлари миқдорини аниқлашда ваколат ва сиёсий мақом эмас, балки қоида ёки аниқ ҳисоб-китоблардан фойдаланиш зарур. Бюджет трансфертларини маҳаллий бюджетларга ажратишда улар даромадларининг жорий даражаси эмас, балки мазкур даромадларнинг потенциал ўсиш имкониятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

3. Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш вазифасининг изчил ижросини таъминлаш мақсадида бюджет трансфертлари маҳаллий давлат бошқаруви органларининг харажатларга оид сиёсатидан бошқа ҳолатларга таъсир ўтказмаслиги керак.

4. Солиқларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида улушли тарзда тақсимлашда ҳудудларда алоҳида шахс ва оилаларга минимал даражадаги ижтимоий таъминотнинг кафолатланишидан келиб чиқиб ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида давлатнинг ижтимоий неъматлар билан таъминлаш борасидаги ҳудудлар ўртасида тафовут вужудга келишининг олди олинади. Аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан розилигини таъминлашнинг омили бўлиб хизмат қилади.

5. Республикада маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ошириш, юқори бюджетдан бериладиган молиявий ёрдамлар (дотация ва субвенция) боғлиқлигини пасайтириш, бутунлай озод қилиш юзасидан дастурлар амалга оширилган. Лекин ушбу дастурларнинг таъсирчанлиги сезиларли даражада бўлмаган, ханузгача айрим саноатлашмаган ҳудудлар маҳаллий бюджетларининг 40 фоизгача харажатлари мақсадли ижтимоий трансфертлар ҳисобидан қопланиши ҳолатлари мавжуд.

6. Бюджет тизими бюджетлари молиявий барқарорлигини баҳолашда уларнинг молиявий мустақиллигини, солиқлар йиғилувчанлиги даражасини, маҳаллий бюджетнинг жами даромадида ўз даромадлари улуши ўзгаришини мунтазам таҳлил қилиб бориш, таҳлил натижаларидан ҳудудларни ривожлантириш, бюджет тизими бюджетлари даромадлари барқарорлигини

таъминлашга қаратилган истиқболга мўлжалланган концепция, стратегия, «Йўл харита»ларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

7. Республикада маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мустақил бюджет-солиқ сиёсатини юритмасликлари, ҳудудда йиғилаётган солиқ тушумларидан манфаатдорликнинг сезиларли даражада эмаслиги ҳудудлар бўйича солиқ йиғилувчанлиги даражасига оид маълумотлар очиқлигини таъминлашга тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис, ҳудудларда солиқ йиғилувчанлиги даражасини оширишдан маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг манфаатдорлигини оширишнинг таъсирчан механизмини йўлга қўйиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва самарали бошқарувига эришиш ҳамда даромадларни оширишда маҳаллий бюджетлар даромадларини тенглаштиришга эътибор қаратиш. Бунда молиявий тенглаштиришнинг ижобий таъсири самарадорлигини ва тескари таъсири даражасини баҳолаш лозим.

2. Солиқларнинг бюджет тизими бюджетларини шакллантиришдаги иштирокидан келиб чиқиб, республика бюджети солиқлари, маҳаллий солиқлар ва улушли солиқлар тарзида таснифлашни йўлга қўйиш лозим ва бюджет қонунчилиги ҳамда солиқ қонунчилигида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

3. Давлат бюджети даромадларида салмоқли тушумга эга бўлган солиқларни (ҚҚС, акциз, фойда ва даромад солиқлари) бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлаш амалиётини жорий этиш зарур. Бунда, илғор хориж тажрибаси, хусусан, Германия, Чехия каби давлатлар тажрибасини изчил қўллаш керак.

4. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетлар зиммасига юклатиладиган вазифаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида корхоналардан олинадиган фойда солиғи ва жисмоний шахслар даромад солиғининг муайян улушларда тақсимланишини жорий этиш лозим.

5. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишда саноат ишлаб чиқаришини ошириш ҳисобига солиқ солинадиган базани кенгайтириш, «ҳудудлар солиқ потенциали» тушунчасини солиқ қонунчилигига киритиш ҳамда ҳудудларда солиқ потенциалини баҳолаш усулини йўлга қўйиш зарур.

6. Республикада солиқларнинг давлат бюджетини тўлдиришдаги фискал функциясидан ва иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, соҳа ёки тармоқни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган жамғармаларга мажбурий йиғимларни йўналтириш ва харид қилинган маҳсулотларга тегишли акциз

солиғини чегириш амалиётининг бекор қилиниши маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

7. Ҳудудларнинг маҳаллий ва контингент солиқларниундириш бўйича режа топшириғининг ортиғи билан бажарилиши натижасида ҳосил бўлган қўшимча даромадлар ҳисобига, марказлашган тартибда Ҳудудларни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

ИСЛАМКУЛОВ АЛИМНАЗАР ХУДЖАМУРАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ НАЛОГОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ
МЕЖБЮДЖЕТНОЙ СБАЛАНСИРОВАННОСТИ**

08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан B2016.2.1688.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации размещён на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.dba.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: Хайдаров Низамиддин Хамраевич
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Пулатов Дилшод Хакбердиевич
доктор экономических наук, профессор

Олимжонов Одил Олимович
доктор экономических наук, профессор

Ашурова Насиба Батировна
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный
экономический университет


Защита диссертации состоится «5 ноября» 2020 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.20/13.05.2020.1.23.01 по присуждению ученых степеней при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан по адресу: 100066, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером 56). Адрес: 100066, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz.


Автореферат диссертации разослан «24» октября 2020 года.

(протокол реестра рассылки 1 от «24» октября 2020 года).




Ш.А.Тошматов
Председатель научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор


М.Б.Хамидулин
Учёный секретарь научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор


Д.Н.Рахимова
Председатель семинара на основе научного совета по присуждению ученой степени, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Для обеспечения межбюджетной сбалансированности во многих государствах применяют порядок долевого распределения налогов, которые являются основными источниками доходов бюджетов разных уровней. В частности, в странах, включенных в базу данных Global Revenue Statistics, доля налоговых поступлений в ВВП за последнее десятилетие существенно изменилась: «Это соотношение увеличилось с 11,8% до 30,7% в Азии и с 16,2% до 45,9% в странах-членах Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР)»³⁶. Данное изменение, в свою очередь, увеличило размер налоговых поступлений в местные бюджеты: «в Дании - 73% национального бюджета, 27% местных бюджетов, 86/13 во Франции, 77/23 в Японии, 80/20% в Латвии»³⁷. Распределение налогов между бюджетами бюджетной системы довольно широко распространено в странах Азиатского и Тихоокеанского региона. Так, «в Китае НДС, налог на прибыль, подоходный налог, налог на торговлю ценными бумагами, во Вьетнаме – НДС, подоходный налог и налог на прибыль, налог на защиту окружающей среды, акцизный налог на местную продукцию и услуги распределяются между бюджетами различного уровня на долевой основе. «Стабильные» доли этих налогов устанавливаются сроком от трех до пяти лет»³⁸.

В научных исследованиях, проводимых в сфере управления государственными финансами в условиях глобализации, особое внимание уделяется научно-обоснованным разграничениям источников доходов бюджетов бюджетных систем, регулирования межбюджетных отношений посредством налогов, эффективному распределению налогов между бюджетами различных уровней, повышению уровня бюджетной обеспеченности регионов при распределении бюджетных трансфертов. Ведутся научные исследования по направлениям: бюджетного равновесия посредством совершенствования системы налогов, организации проведения независимой фискальной политики государственной власти на местах, повышения степени финансовой самостоятельности местных бюджетов, проведения эффективной фискальной политики по формированию доходов и дополнительных источников доходов государственного бюджета, долевого распределению налогов между бюджетами бюджетной системы на взаимовыгодной основе в межбюджетных отношениях.

При выполнении задачи «... сбалансированности Государственного бюджета на всех уровнях, ...»³⁹ основной проблемой становится необходимость научного обоснования и разработки и практические

³⁶ Domestic revenue mobilisation: A new database on tax levels and structures in 80 countries. <https://www.oecd-ilibrary.org/docserver/a87feae8n.pdf?expires=1602821657&id=id&accname=guest&checksum=2B37EF9E6D9F>

³⁷ <http://www.oecd.org/tax/federalism/fiscal-decentralisation-database.htm>

³⁸ Fiscal Decentralization and Inclusive Growth in Asia. <https://doi.org/10.1787/25cf7545-en>

³⁹ Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. – Ташкент: «Узбекистан», 2017. – С.60

рекомендации по совершенствованию налоговой системы в обеспечении стабильной доходной базы бюджетов разных уровней, достижения межбюджетной сбалансированности за счет пропорционального распределения налогов между бюджетами бюджетной системы.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Законах «О Государственном бюджете Республики Узбекистан на 2020 год» (2019 г.), «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием основных направлений налоговой и бюджетной политики на 2019 год» (2018 г.), в Указах Президента Республики Узбекистан от 29 июня 2018 года №УП-5468 «О Концепции совершенствования налоговой политики Республики Узбекистан», от 7 июня 2017 года №УП-5075 «О мерах по расширению полномочий органов государственной власти на местах в формировании местных бюджетов», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 26 декабря 2018 года №ПП-4086 «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2019 год и бюджетных ориентиров на 2020-2021 годы», от 7 июня 2017 года №ПП-3042 «О расширении полномочий органов государственной власти на местах и повышении их ответственности за формирования доходов местных бюджетов» и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития в республике науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики», в рамках проекта ИТД-2 «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики».

Обзор зарубежных научных работ по теме диссертации⁴⁰. Научные исследования по вопросам совершенствования системы налогов для обеспечения межбюджетной сбалансированности проводятся учеными

⁴⁰ В диссертационной работе были использованы научные исследования следующих международных организации, зарубежных исследователей и экономистов: World Bank Decentralization and Intergovernmental relations. <https://www.worldbank.org/en/topic/governance/brief/decentralization-and-intergovernmental-relations-global-solutions-groups>; OECD Economic Policy Papers. https://www.oecd-ilibrary.org/economics/oecd-economic-policy-papers_2226583; NBER Papers on Public Economics Program <https://admin.nber.org/Budget+federalism>; Tax Administration Priorities in Emerging and Frontier Markets. <https://www.iticnet.org/resources>; Tax and Governance. https://www.ictd.ac/publication-filter/?_sft_theme=tax-and-governance; Local government finance. <https://www.ifs.org.uk/research/100>; Decentralization and local governance. <https://www.ids.ac.uk/clusters-and-teams/governance/>; Fiscal Decentralization and Local Governance. <https://icepp.gsu.edu/what-we-do/area-of-expertise/fiscal-decentralization-and-local-governance/>; Asset Price Bubbles and the Financial System. <https://www.carf.e.u-tokyo.ac.jp/en/research/category/financial-system-en/page/2/>; Mid- to long-term tax and fiscal projections. https://www.kipf.re.kr/eng/Center_cfp.do; Taxes. <https://www.piie.com/research/finance/taxes>; Intergovernmental Fiscal Relations. <https://www.nipfp.org.in/our-work/research/intergovernmental-fiscal-relations/>; Fiscal Decentralization. <http://www.nalas.eu/knowledge-center/Task-Forces/Fiscal-Decentralization>; Региональной экономики и межбюджетных отношений. <http://www.fa.ru/org/science/creimo/Pages/Home.aspx>

ведущих университетов и научных центров мира, таких как World Bank, Organisation for Economic Co-operation and Development, The National Bureau of Economic Research (США), Georgia state University (США), University of California (США), Institute for Fiscal Studies (Великобритания), The Center for advanced research in Finance (Япония), The Korean Institute of Public Finance (Корея), Финансовый университет при правительстве Российской Федерации (Россия), National University of Singapore (Сингапур).

По вопросам совершенствования системы налогов для обеспечения межбюджетной сбалансированности в мире проведён ряд научных исследований, приведших к следующим результатам: научно обосновано, что децентрализация бюджета служит целевому и адресному использованию расходов, а также устранению дисбаланса доходов и расходов за счет увеличения собираемости налогов в регионе (OECD); отмечено снижение зависимости местных бюджетов от республиканского бюджета (Georgia State University, США); влияние бюджетного федерализма на сокращение бюджета центрального правительства (University of California, АКШ), доказано, что наличие прозрачной системы передачи налога налогоплательщика в распоряжение местного бюджета побуждает граждан, особенно самозанятых, полностью декларировать свои доходы и обеспечивает строгое соблюдение налогового законодательства местными органами власти (Swedish Institute for European Policy Studies, Швеция); в Индии обоснована необходимость распределения средств между разными уровнями бюджетов на развитие инфраструктуры в «богатых» и «бедных» штатах (The Korean Institute of Public Finance, Корея); исследования, проведенные в Китае показали, что долевое межбюджетное перераспределение поступлений от НДС и налога на потребление превышающее 30% в пользу государственного бюджета приводит к значительным потерям в промышленно развитых регионах (National University of Singapore, Сингапур).

Международная бюджетная практика показывает, что определение потребности регионов в финансовых ресурсах является сложной задачей и научно обоснованного решения этой проблемы не достигнуто. Сегодня ведутся научные исследования в обеспечении межбюджетных отношений, долевого распределения налогов между уровнями бюджетной системы, повышения уровня обеспечения бюджетов регионов, формирования дополнительных доходов местных бюджетов за счет оптимального использования возросшей доли налоговых доходов, собираемых в регионах, обеспечения стабильности налоговых доходов бюджетов бюджетной системы, повышения финансовой независимости местных бюджетов.

Степень изученности проблемы. Основоположниками теории управления государственными финансами можно считать Т.Гоббса, Дж.Локка, А.Смита, А.Вагнера⁴¹, их последователя Р.Масгрейва, а также

⁴¹ Гоббс Т. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского // Гоббс Т. Сочинения: в 2 т. – Т. 2. – М.: Мысль, 1991. С. 141, 172, 182, 269; Локк Дж. Два трактата о правлении // Локк Дж. Сочинения: в 3 т. – Т. 3. – М.: Мысль, 1988. С. 344-346 и др.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М., 2009.; Wagner A. Finanzwissenschaft und Staatssozialismus. – Frankfurt am Main, [1948]

Р. Оутса, выдвинувшего первым идею о бюджетном федерализме. Кроме того, в развитие государственных и местных финансов весомый вклад внесли Хайк, Бреннан и Бьюканан, Й. Шумпетер⁴².

Концептуальные основы и практические вопросы использования системы налогов при обеспечении межбюджетной сбалансированности изучены в научных работах таких ученых-экономистов СНГ, как Я. Андреев, О. Бежаев, Л. Дробозина, С. Лушин, Г. Поляк, В. Родионова, М. Романовский, В. Слепов⁴³.

Из отечественных ученых приоритетные направления развития бюджетной системы непосредственно или опосредованно исследовали Ё. Абдуллаев, М. Алимардонов, А. Вахобов, Э. Гадоев, Н. Кузиева, А. Жураев, Х. Жамолов, Т. Маликов, А. Маманазаров, О. Олимжонов, Ш. Тошматов, Б. Тошмуродова, Н. Хайдаров, Ж. Кучкаров, Х. Кобулов, Х. Курбонов и другие⁴⁴.

Между тем, в рамках проведенных по данной тематике научно-исследовательских работ и научно-теоретических изысканий не были

⁴² Musgrave R. (1959) Theory of public finance: a study in public economy; Oates, W. E. (2006). On the theory and practice of fiscal decentralization; Von Hayek, F. A. (1937). Economics and knowledge. *Economica*, 4(13), 33-54; Buchanan, J. M., & Wagner, R. E. (1970). An efficiency basis for federal fiscal equalization. In *The analysis of public output* (pp. 139-162). NBER; Brueckner, J.K. (2004). Fiscal decentralization with distortionary taxation: Tiebout vs. tax competition. *International Tax and Public Finance*, 11(2), 133-153; Schumpeter J. & Swedberg R. (1918) the crisis of the tax state (pp. 99-140).

⁴³ Андреев Я. Межбюджетные отношения в регионе: опыт, проблемы, решения (на материалах Ярославской области). – Москва: «Новый Логос», 2003. – С.19; Бежаев О. Межбюджетные отношения: теория и практика реформирования. – Москва: «Экзамен», 2001. – 128 с.; Дробозина Л. Финансы. – Москва: «ЮНИТИ», 2003. – 527 с.; Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. – Москва: «Экономист», 2006. – 317 с.; Поляк Г. Б. Бюджетная система Российской Федерации. – Москва: «ЮНИТИ», 2001. – 540 с.; Родионова В.М. Финансы. – Москва: «Финансы и статистика», 1995. – 478 с.; Романовский М.В., Врублевский О.В. Бюджетная система Российской Федерации. – Москва: «Юрайт», 1999. – 621 с.; Слепов В.А., Чалова А.Ю. Федеральный бюджет как источник роста российской экономики: финансовые резервы и возможности // «Финансы и кредит». – 2017. – Т. 23. – №. 8 (728).

